

ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 281 (19.057)

Шанба, 8 декабрь 1984 йил

Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР Министрлар Советига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРнинг партия, совет, касба союз ва комсомол ташкилотларини, барча меҳнаткашларини шонли сана — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан қизғин табриқлайди.

Россия пролетариати, Ленин партияси Урта Осиёнинг меҳнаткаш оммасини синфий оғининг уйғотди, уни чоризмга қарши, феодал-бойлар зулмига қарши, ҳақиқий озодлик ва бахт-саодат учун курашга олтандирди. Улут Октябрь социалистик революциясининг талабаси Ўзбек халқининг эзгу орзу ва умидларини амалга ошириш йўлини очди, унга ўзининг Совет давлатига эга бўлиш имконини берди.

Республика меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида, рус халқининг ва мамлакатдаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдамида таниб тарихан қисқа вақт ичда феодализмдан социализмга бўлган йўлни босиб ўтди, асрий қолоқликни тугатди. Тўб иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг озодлиги чикарилганлиги катта қосил габа бўлди.

Улут Ватан урушининг дахшатли йилларида Ўзбекистоннинг шонли ўғил ва қизлари бутун совет халқи билан биргаликда жанг ва меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Республика мамлакат ичкаридаги мустақил базалардан бирга айлантирилди. Бу ердан фронт, жанговар техника, кийим-кечак ва озиқ-овқатни ўзлаштириб олиб турди, бу ерда кўчириб келтирилган аҳолига сўқилган дамхўрлик қилинди. Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатнинг озод этил-

ган районлари халқ ҳўжалигини қайта тиклашга катта ҳўсса қўшди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон ССР ишлаб чиқарувчи кўчларини ривожлантиришда шахдам қадам қўйиб, эндиликда яхлит халқ ҳўжалиги комплексига мўносиб ўрин олиб турибди. Замонавий машинасозлик, электр техника, химия, қончилик қорхоналари ва бошқа қорхоналар қурилди ҳамда ишлаб турибди, уларнинг маҳсулоти СССРда ва чет элларда яхши маълум. Ярим қўл ерларнинг катта-катта масивлари ўзлаштирилди, қудратли ирригация системалари барпо этилди. Республика «оқ олтин» — пахта етиштириб берувчи асосий республика бўлиб қолди, ҳўзир у қўп-миқдорда шўп, мева, сабзавот, бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда. Фан ва маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш юксак даражада ривож топди. Аҳолининг фаровонлиги анча ошди, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси, бутун турмуш тарзини бўлмас даражада ўзгарди. Манз шуларнинг ҳаммаси КПСС ленинча миллий сиёсати, СССР халқлари қардошлиги ва дўстлиги ғоялари тантанасининг ишонarliи ва ақол намойишидир.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг ютуқлари КПССнинг катта жанговар отряди — республика партия ташкилотининг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Ўзбекистон Компартияси партия XXVI съездининг, Марказий Комитет 1984 йил февраль, апрель ва октябрь Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненко-нинг кўрсатмаларини баҳариб, оммаиан марксизм-ленинизм, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм ғояларига садоқат руҳида сабот билан уюштириб, тарбияламоқда.

Меҳнат коллективларининг куч-ғайратлари ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан, бой табиий ресурслардан янада самарали фойдаланишга, СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга кўпроқ ҳўсса қўшишга сафарбар этилмоқда. Турмуш ва фойлатнинг ҳамма соҳаларида уюшқонликни янада ошириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш йўли қатъият билан ўтказилмоқда. Республиканин ишчилар синфи, қолхўчи деҳқонлари ва халқ эйелилари 1984 йилнинг, умуман ўн биринчи беш йиллигининг топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини баҳариб ўчун зўр ғайрат-шиқоат билан меҳнат қилмоқдалар, Улут Ғалабанин 40 йиллигини ва КПСС-нинг XXVII съездини мўносиб кўтб олишга интиломоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат ананаларига садоқатли Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида халқ ҳўжалигининг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга янада кўпроқ куч-ғайрат сарфлайди. Ватаниннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашда, мамлакатимизда ривожланган социализмни янада такомиллаштиришда янги-янги муваффақиятларга эришадилар деб, қатъий ишонч билдиради.

Яшасин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин КПССнинг жанговар отряди — Ўзбекистон Коммунистик партияси!

Яшасин улут Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

Ўртоқ В. И. ВОРОТНИКОВ Тошкентга келди

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзои, РСФСР Министрлар Совети Раиси В. И. Воротников бошчилигидаги Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси делегацияси Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Ўзбекистон Коммунистик партияси 60 йиллиги байрамида қатнашиш учун 7 декабрь кўни Тошкентга келди.

Делегация составида КПСС Иваново область комитетининг биринчи секретари В. Г. Клюев, ВАСХНИЛ Сибирь бўлими президиумининг раиси, ВАСХНИЛ вице-президенти, академик П. Л. Гончаров, Ленинграддаги «Светлана» ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчиларининг бригадери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. И. Котова бор.

Аэропортда СССР, Ўзбекистон ССРнинг қардош республикаларининг Давлат байроқлари кўтарилди. Ўзбекистон пайтахти меҳнаткашларининг Қорақалпоғистон АССР ва республика областларининг вакиллари бу ерга келдилар. Делегация Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонов, Қозғоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбаев, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи



Суратда: аэропортда кутиб олиш пайти.

секретари Т. У. Усубалиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Набиев, Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапулов, Ўзбекистон

Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуратов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Мухайлов, М. М. Мухомедов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, К. С.

Саликов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, В. А. Хайдаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, область партия

комитетларининг биринчи секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларининг раислари кутиб олдилар.

(ЎзТАГ)

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

Ўзбекистон пойтахти меҳмонлари — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрамига келган қардош республикаларининг делегацияларини кутиб олди.

Тантаналарда қатнашмоқ учун Тошкентга КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари И. Д. Писарев бошчилигидаги Москва делегацияси келди. Делегация составида Москва шаҳар Жданов район партия комитетининг биринчи секретари Р. В. Жукова, пойтахт

Люблино район Совети ижроия комитетининг раиси В. С. Столяров, «Главмосстрой» бошчилигининг ўринбосари А. К. Шрейбер, КПСС Москва шаҳар комитети секретари Ёрдамчи С. Ф. Семенов бор.

Қозғоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбаев республика делегациясига бошчилик қилмоқда. Делегация составида Қозғоғистон ССР халқ артисти Алибек Диниев, Чимкент областидаги Задарё наслчи заводининг директори Б. Шукурбеков, Олмаота ил қаз

лама комбинатининг тўқувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. В. Кочетова бор.

Қирғизистон ССР делегацияси келди. Унга Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев бошчилик қилмоқда. Меҳаника заводининг бош инженери М. И. Паришкура, Ўш область, Сўзқў районидagi «Коммунизм» қолхозининг раиси А. Юсупов делегация составига кирган.

Тожикистон Компартияси

Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Набиев юбилей тантаналарига келган Тожикистон ССР делегациясига бошчилик қилмоқда. Делегация составида Ленинобод область Пролетар районидagi В. И. Ленин номи колхоз раиси А. Саматов, республика «Коммунист Таджикистана» газетасининг редактору Б. Н. Шенчининг бор.

Туркменистон ССР делегациясига Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапулов бошчилик қил-



Рассом М. Аъламов чизган плакат

Абдулла ОРИПОВ,

Ҳамза номидagi Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати

ЎЗБЕКИСТОНИМ, СЕНГА

Айлаин қалбимни тортиқ
Нурли бўстоним, сенга,
Сен Ватандирсан, фидодир
Танда бу жоним сенга.
Бебақосан, асрагайман
Тавҳарим деб мен сени
Сен қарог бўсанг агарда
Садақ мўжгоним сенга.
Сендан айри дам ўзундир,
Лаҳзалар ҳам йилга тенг,

Бир умрга лек баробардир
Керак оним сенга.
Ҳар бир ахлинг битта юлдуз
Қавақбостонсан ўзинг,
То ҳаётдирман чароғим,
Шўълан шоним сенга.
Еру дўстлар жам бўлибдир,
Тўй қилур ўзбек элим,
Мен дегайман: хўш келибсан,
Дўсту меҳмоним сенга.

Хизматинга шай эрурман
Меҳнатингда ҳам ўзим,
Бахтирман сарф этолсам
Борки имконим сенга.
Қўлда торим сен учундир,
Дипда борим сен учун,
Қайда бўлмай талпинурман
Ўзбекистоним, сенга.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Халқ ҳўжалигида иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда қайд этилишича, иккиламчи моддий ресурслардан ишлаб чиқаришда фойдаланишни яхшилаш юзасидан қабул қилинган қарорларга қарамай, бу соҳадаги ишларнинг аҳволи ҳамон қониқарсизлигича қолмоқда. Ҳолбуки, бу ресурсларни халқ ҳўжалиги оборотида максимал равишда кинритиш тежамкорлик соҳасидаги ишнинг ажралмас қисмидир. Моддий ресурсларни тежамкорлиқ ўзи. КПСС Марказий Комитети, Бош секретари К. У. Черненко Сийёсий бюросининг мажлисида 1984 йил 15 ноябрь кўни сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, ҳўзирги шароитда ишлаб чиқаришни ўстиришнинг таъминлашнинг муҳим манбаи бўлиб қолмоқда.

Министрликлар ва идоралар янги қорхоналарни қуришда, ишлаб турган қорхоналарни реконструкция қилиш ва модернизациялашда кам қичитилиш ва қичитсиз технологияларни, ресурсларни тежайдиган техникани қўлланишга, ҳамма турдаги хом ашё ва материаллар комплекс қайта ишланишини таъминлашга етарли эътибор бермаётганлар, ишлаб чиқариш жараёнида ҳўсил бўладиган иккиламчи хом ашёни қайта ишлайдиган ихтисослаштирилган қувватларни барпо этишни назарда тутмаётганлар. Бу ишларга ҳаддан ташқари кам капитал маблағ ажратилмоқда, иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш объектларини қуриш муддатлари йўл қўйиб бўлмайдиган даражада кечиктириб юборилмоқда. Автомобиль соҳасидаги министрлиги, Қўрилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги, Оғир машинасозлиги министрлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотта материал сарфини камайтириш, форма ҳўсил қилишнинг ялғор усулларини, тежамли профилларни ва енгил конструкцияларни кенг жорий қилиш имкониятларидан тўла-тўқиса фойдаланмаётганлар. Металлнинг анчагина қисми ҳанузгача қичқита ва қириндиға айланмоқда.

КПСС Марказий Комитети қўлғина министрликлар ва идоралар, иттифокдош республикаларининг Министрлар Советлари иккиламчи материалларни тўплаш ва қайта ишлаш планларини уда-лай олмаётганликлари таъкидлаб ўтди. СССР Ўрмон, Ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз соҳасида министрлиги, СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Нефть химияси соҳаси министрлиги, СССР Қора ме-

таллургия министрлиги, СССР Винокорлик материаллари соҳасида министрлиги айниқса жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар.

КПСС Марказий Комитети қўлғина министрликлар ва идоралар, иттифокдош республикаларининг Министрлар Советлари иккиламчи материалларни тўплаш ва қайта ишлаш планларини уда-лай олмаётганликлари таъкидлаб ўтди. СССР Ўрмон, Ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз соҳасида министрлиги, СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Нефть химияси соҳаси министрлиги, СССР Қора ме-

Кўлғина бирлашма ва қорхоналарнинг раҳбарлари асосан бирламчи материалларни олишни назарда тутиб ишлаб келмоқдалар. Натияжада қайтадан фойдаланиш учун яроқли бўлган миллион-миллион тонна хом ашё ташқарига олиб қичиб ағдарилмоқда, бунинг учун анчагина экинзор ерлар банд бўлиб қолмоқда, атропо-муҳитга зарар етказилмоқда. Шу тариқа иқтисодий эътигина келтирилиб қолмай, одамларни тежамкорлик руҳида тарбиялаш ишга маънавий зарар ҳам етказилмоқда.

СССР Госплани халқ ҳўжалиги планининг тузиш пайтида умумий материал истеъмолда иккиламчи ресурсларнинг салмонини оширишни етарли равишда қўлда тутмаётган, топшириқлар хом ашёнинг чекланган дораси миқёсида белгиланмоқда ва ҳаминча ҳам тизга қилиб тузилмаётган. Иқтисодий омиллар қорхона ва ташкилотларни иккиламчи хом ашёни максимал равишда ишга солишдан тузуқ манфаддор қилмаётган.

Халқ ҳўжалигида иккиламчи ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, шу ресурсларни йиғиш, асраш ва қайта ишлаш устида контроллик қилиш вазифаси анимасига юксатилган СССР Госплан министрликлар ва идораларнинг, иттифокдош республикалар Министрлар

(Давоми иккинчи бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ССР
ВА ЎЗБЕКИСТОН
КОМПАРТИЯСИНИНГ
60 ЙИЛЛИГИГА

шиқлар биринчи беш йил-
ликнинг қаҳрамонлиги ҳақи-
да, хотин-қизларнинг озод-
ликка чиқарилиши тўғрисида
хикоя қилади. Қўнғам компо-
зициялардан бири Ўзбекистон
ССР билан Ўзбекистон
Компартияси тузилган кунга
бағишланган. Майдон мар-
казида Ўзбекистон коммунист-
лари биринчи съездининг де-
легатларини кўради. Улар
орасида Михаил Иванович
Калинин ҳам бор.

Ташвишли бонг тинч бун-
ёдкорлик меҳнати мароми-
ни бузади — Совет халқи-
нинг Улуғ Ватан урушидаги
жасорати тўғрисида хикоя
қилинмоқда. Ушанда мамла-
катдаги барча миллат ва
элаларнинг вакиллари елка-
ма-елка туриб, севиқли Ва-
танини ҳимоя қилишга отлан-
ган эдилар. Ана шу суроли
йилларда фашизмга қарши,
инсониятнинг порлоқ кела-
жаги учун олиб борилган
жангда ўз жонини фидо қил-
ган кишиларнинг қони билан


ЯНГИ ЕР ОСТИ
КОШОНАСИ

Кеча мамлакатимизда еттинчи ҳисобланган В. И. Ленин
номли Тошкент метрополитени иккинчи навбатининг бирин-
чи линияси дастлабки қўловчиларни қабул қилди. Пассажир-
лар «Алишер Навоий», «Ўзбекистон», «Космонавтлар про-
спекти», «Ойбек» ва «Тошкент» номлари билан аталувчи муҳ-
ташам ер ости қўшоналари гўзаллигидан завқ-шавққа тўлди-
лар. Ўзбекистон пойтахти метросозлари иккинчи навбатни ре-
корд даражадаги қисқа муддатда, бор-йўли 4 йил ичида,
белгилангандан ўн тўрт ой аввал қўриб битказдилар. Мам-
лакатимиз метросозлиги тарихида ҳали ҳеч қачон бундай
кўрсаткичга эришилмаган эди.

Давлат комиссияси тошкентлик метросозлар ишига юксак
баҳо берди. Иккинчи навбатнинг биринчи линияси «Альпо» ба-
ҳолар билан қабул қилиб олинди. У «Ташметрострой» трест
коллективининг етуқлигига, қўрилишда иштирок этган Тош-
кентдаги 2-темир-бетон буюмлари заводи, фазалик санг-
тарошлик қўшоналари ишчилари, расмолар, бақчиқилар, меъ-
морлар салоҳиятига яна бир имтиҳон бўлди.



«Алишер Навоий» станцияси.




«Ўзбекистон» станцияси.



«Космонавтлар проспекти» станцияси.



«Ойбек» станцияси.



«Тошкент» станцияси.



ГУЛЛАБ-ЯШНАЙВЕР,
СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60
ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНИБ, «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА УТКАЗИЛГАН БАДИЙ-СПОРТ
ТОМОШАСИ

Илҳомбахш шеърли сатрлар ва музика тароналари, Сов-
ет Ўзбекистонининг олтинчи йил мобайнида босиб ўтган
улуғвор йўлини ифода этувчи спорт ва хореография компо-
зициялари 7 декабрь кўни «Пахтакор» стадионидан кўр-
сатилган улуғвор томошада мужассамланди. Шу кеча бу
ерда минглаб тошкентликлар ҳамда Ўзбекистон ССР ва
Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йил-
лигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун келган
республика пойтахтининг меҳмонлари йиғилдилар.

Байрам позновойлари
янграйди. Кремль курантла-
ри бонг уради. Томошабин-
лар кўз унгида Улуғ Октя-
брь нурафшон этган улкан
йўлнинг асосий босқичлари
бирин-кетин жонлангандек
бўлади. Совет Ўзбекистони
ана шу йўлдан ССР Иттифо-
қи халқларининг қардошлар-
ча ёрдамига таяниб, асрий
қўлоқликдан ривожланган
социализм чўққиларига чи-
қиб олди. Марказий миғбар-
лар ўзига хос экранга айлани-
рилган бўлиб, унда ву-
жудга келатган ранг-баранг
паннолар ажойиб спектаклга
узвий равишда ўйғунлашиб
кетмоқда. Томошанинг минг-
лаб қатнашчилари ранг-ба-
ранг байроқчалар билан ана
шу панноларни моҳирона
яратмоқда. Мана, «Ўзбе-
кистон ССР — 60», «Ўзбе-
кистон Компартияси — 60»,
ёзувлари пайдо бўлади. Улар

мустақамланган бирлиги-
миз ана ҳам метиндек
жиқслашди.

Стадионда яна тинч бунёд-
корлик кўндаларининг қаҳра-
монлиги, Ўзбекистон саноат
корхоналари ва қўрилишлар-
и, қолхоз ва совхозлари
меҳнаткашларининг, фан ва
маданият арбобларининг шон-
ли ишлари йилномаси ки-
шилар кўз унгида ўтади.
Коммунистик бунёдкорлик
йўлида қўнғам ишонч билан
бароётган биродар халқлар
қардошларча дўстлиги ва
ўзаро ёрдамнинг улуғворли-
ги 1966 йилги табиий
офат билан курашни ёки ян-
ги ерлар ўзлаштирилишини
акс эттирувчи ҳар бир ко-
позициянинг асосий мазмуни
булиб қолди. Дикторнинг
текти театрлаштирилган то-
мошани Ўзбекистон ССРнинг
ютуқларидан, республика
меҳнаткашлари партия XXVI
съезди, КПСС Марказий
Комитетининг кейинги Пле-
нумларида КПСС Марказий
Комитети Бош секретари,
СССР Олий Совети Прези-
диумининг Раиси К. У. Чер-
ненконинг нутқларида ўрта-
га қўйилган вазифаларни ҳал
этишга ўзларининг бутун
кучини сарфлашга интилаёт-

Томошабинларнинг қалб сўзи
НАФОСАТ ВА МУҲАББАТ

«ТУМАРИС» ТААССУРОТИ

Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг шонли 60
йиллик тўйига санъаткорларимиз ҳам муносиб армуғонлар
билан келишди. Кўни кеча Алишер Навоий номидаги Меҳнат
Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат академик Катта опера
ва балет театри илғор ишчилар, қолғозчилар — томошабинлар
билан гавжум бўлди. Улар композитор Улуғбек Мусаевнинг
«Тумарис» балетини томоша қилишди.

САНЪАТДА шундай
бир буюк кудрат бор-
ки, у кишига руҳ ба-
ғишлайди, маънавий қанот
бўлади. «Тумарис» балетини
томоша қилар эканман, мен
60 йиллик давр ҳақида ўй-
лаб кетдим. Ахир, Улуғ Ок-
тябрь социалистик револю-
циясидан илғари санъатнинг
бу тури ҳақида ота-боболар-
имиз ҳатто тасаввурга эга
бўлишмаган. Бугунги кунда
биргина Алишер Навоий но-
мидаги Меҳнат Қизил Бай-
роқ орденли Ўзбек Давлат
академик Катта опера ва ба-
лет театрида ўзбек компози-
торларининг ўнлаб еркин ба-
летлари намоиш этилмоқда.

«Тумарис» Ленин орденли
Қирғизистон Давлат акаде-
мик опера ва балет театри
репертуаридан мустақам
жой олган. Шу театрининг
Москвадаги гастроллари
пайтида СССР Бойшоё теат-
ри саҳнасида намоиш этил-
ган ва москвалик юксак дидли
санъатшуносларнинг, балет
шайдоларининг муносиб ба-
ҳосига сазовор бўлган.

Улуғбек Мусаев икки ме-
ни қизитирибди. Истеъдодли
композиторнинг ҳар бир янги
асарини мароқ билан қўриб
бораман. Унинг асарлари
довруқ қозонаётганлиги қў-
вончи, албатта.

Улуғбек Мусаев музикаси
ўзининг тинчлиги, ши-

СПОРТ

СОВРИНЛАР
ВА УРИНЛАР

◆ ҚИЛИЧБОЗЛИК. Ешлар ўр-
тасида Харьковда ўтказилган
СССР биринчилигида фарғона-
лик В. Сазов рапира бўйича
ғалаба қозонди.

◆ АВТОПОЙГА. Фрунзе
шаҳрида Ўрта Осиё республи-
калари ва Қозғистон кубогини
учун «Жигули» ва «Багги» ма-
шиналарида ўтказилган пойгада
республикамиз вакиллари му-
ваффақиятли қатнашдилар.

Улар «Багги» машинасида пой-
ғалишиб бўйича биринчи ўрин-
ни эгаллаб, умумкоманда ҳис-
обига иккинчи бўлишди.

◆ ҚАЙИҚ ҲАЙДАШ. Самар-
қанда ўтказилган Бутунитти-
фок мусобақасида тошкентлик
Т. Числова 500 метрлик масо-
фада учинчи ўринни эгаллаган
бўлса, унинг ҳамшираси Г. Ша-
рафуддинов 2 километрлик масо-
фани иккинчи бўлиб босиб
ўтди. Тошкентлик Ю. Соболь-
ев бир кишилик байдаркада 2
километрлик йўлда маррага
учинчи бўлиб келди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

МОСКВА-1. 9.00 — Время. 9.40 — Шахмат бўйича жаҳон чемпи-
онати. 9.55 — Концерт. 10.40 —
Спортлото. 10.50 — Кўп-
сифатли товарлар етказиб бе-
рийлик. 11.20 — Львов архи-
тектураси. 12.10 — Ўзбекистон
ўртоқ. 13.10 — Ойла ва мактаб.
13.40 — Ўртоқ кўшн. 14.20 —
Телефильм. 15.10 — Фигурал-
и учин бўйича халқаро турнир.
15.50 — Хўжакатли фильм. 16.00 —
Дунё воқеалари. 16.15 —
Дўстларимиз чехраси. 17.00 —
Қисқа метражли бадий фильм-
лар. 17.55 — Прага чех музика-
си йилда. 18.45 — Мульти-
фильм. 19.00 — Сиевй шар-
ловчи Л. А. Вознесенский сўх-
бати. 19.30 — Хайвонот олами.
20.30 — Фигурал и учин бўйича
халқаро турнир. 21.30 —
Время. 22.15 — Хоккей.
ЧССР на СССР. Танатфузда —
шахмат бўйича жаҳон чемпи-
онати. 00.15 — Янгиликлар.

МОСКВА-11. 9.00 — Гимнасти-
ка. 9.15 — Агар соғлом бўлай
десанг. 9.25 — Чанги спорт
бўйича Бутуниттифок мусоба-
қалари. 10.10 — Хўжакатли
фильмлар. 10.50 — Изергил
мампир. 11.25 — Тонги почта.
11.55 — Телефильм. 12.20 —
Латвия телестудиясининг про-
граммаси. 13.45 — Стол тенни-
си бўйича халқаро турнир.
14.15 — Кинопанорама. 15.55 —
Концерт. 17.10 — Бизнинг
уйимизда. 18.15 — Бу фан-
тастик олам. 19.4 — Музика-
ли кинос. 20.15 — Халқаро об-
вор. 20.30 — Хайри тун, кич-
кинтойлар. 20.45 — Здравье.
21.30 — Время. 22.15 — Обер-
вальд сирй (бадий фильм).

ТОШКЕНТ-1. 10.50 — Ўзбеки-
стон Компартияси Марказий
Комитети ва Ўзбекистон ССР
Олий Советининг республика
шонли 60 йиллигига бағиш-
ланган кўшма тантанали маж-
лиси. 14.30 — Фильм-концерт.
14.55 — Комла (бадий фильм,
1-серия). 18.05 — Мультифильм.
18.25 — Телефильм. 18.55 —

Совет Ўзбекистони шахарлари.
19.30 Ахборот. Ўзбекистон
Компартияси Марказий Коми-
тети ва Ўзбекистон ССР Олий
Советининг республика шон-
ли 60 йиллик юбилейига ба-
ғишланган кўшма тантанали
мажлиси ҳақида репортаж.
20.35 — Республиканинг куй-
лайма. 21.30 — Время. 22.15 —
Ўзбекистон шонли 60 йил-
лигига бағишланган кўшма
тантанали мажлис қатнашчилар-
и учун концерт.

9 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-1. 9.00 — Время. 9.50 —
Хўжакатли фильм. 10.15 —
Прикарпатье дурдоналари.
10.45 — Вудилинг. 11.15 —
Совет Иттифоқида хизмат қи-
ламан. 12.15 — Здравье. 13.00 —
Тонги почта. 13.30 — Совет
турпогидаги урчушулар. 13.45 —
Қишлоқ янгиликлари. 14.45 —
Фигурал и учин бўйича
халқаро турнир. 15.25 — Му-
зикали кинос. 15.55 — Дўстлик
орол (бадий фильм). 16.40 —
Саёхатчилар клуби. 17.45 —

Жойда ҳал этилмоқда. 18.45 —
Халқаро панорама. 19.30 —
Фигурал и учин бўйича халқ-
аро турнир. 20.00 — Мульти-
фильмлар. 20.35 — Ўзбеки-
стон шонли 60 йиллик юбилейи-
га. Давр менинг тақдиримда
(Хўжакатли фильм). 21.30 —
Время. 22.05 — Ўзбекистон
ва санъат усталарининг концер-
ти. 23.45 — Янгиликлар.

МОСКВА-11. 9.00 — Зарядкага
сағлангилар. 9.20 — Мульти-
фильм. 9.30 — Ритмик гимна-
стика. 10.00 — Рус тили.
10.30 — Концерт. 10.45 — Эрт-
так ҳузурида меҳмонда. 12.10 —
Телефильмлар. 12.55 — Ин-
сон замин соҳиб. 13.55 —
Киножурнал. 14.05 — Муҳбир-
ларимиз хикоя қиладилар.
14.35 — Мўъжизасиз-мўъжиза-
лар. 15.35 — Дунё ва ёшлар.
16.10 — Концерт. 16.35 — Ин-
женер Гариннинг инқирозин
(бадий фильм, 4-серия). 17.40 —
Сига манзур адабиётлар.
18.25 — Концерт. 19.15 — Кав-
каз асирин (бадий фильм).

20.30 — Хайри тун, кичин-
тойлар. 20.45 — Концерт. 21.30 —
Время. 22.05 — Хоккей.
Халқаро учрашу.

ТОШКЕНТ-1. 9.50 — Тошкент.
В. И. Ленин номида майдон. Ўз-
бекистон шонли 60 йиллигига
бағишланган ҳарбий парад ва
Тошкент меҳнаткашларининг
намоиши. 12.00 — Хўжакатли
фильм. 12.10 — Дўстлик ва
биродарлик пойтахти. 13.30 —
Комла (бадий фильм, 2-се-
рия). 18.15 — Янғроқ кўшнги-
миз парвози. 18.35 — Мульти-
панорама. 19.20 — Фильм-кон-
церт. 19.50 — Ахборот. Ўзбе-
кистон шонли 60 йиллик юби-
лейига бағишланган ҳарбий
парад ва меҳнаткашлар намо-
иши ҳақида репортаж. 20.35 —
Москва, Ўзбекистон шонли
60 йиллик юбилейига. Давр
менинг тақдиримда (хўжакатли
фильм). 21.30 — Время. 22.05 —
Ўзбекистон санъат усталар-
ининг концерти.

КИРГИЗИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕСИНИНГ
ПРОГРАММАСИ

РАДИО

8 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 7.15 —
Шардан кўш бўлиб бонд
оламга. 8.30 — Радиокон-
позиция. 9.30 — Ўзбекистон
давлат филармонияси солист-
ларининг концерти. 10.30 —
Ватан, партия, Ленин ҳақида
қўшнқлар. 10.55 — ЎЗБЕКИ-
СТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯ-
СИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕ-
ТИНИНГ РЕСПУБЛИКА 60 ЙИЛ-
ЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЎШ-
МА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ.
15.00 — Дўстлик қўшнидан бош-
ланади. 15.50 — Сўнгги ахбор-
от. 17.00 — Одамлар дарёси
оқар ёнимдан. 17.20 — Шу
куннинг қўшнқлари. 17.55 —
Ўзбекистон шонли 60 йилли-
гига бағишланган кўшма та-
н-
тали мажлис қатнашчилари
учун байрам концерти.

Орган ЦК Компартии
Узбекистана, Верховного
Совета и Совета Министров
Узбекской ССР.

Редакция адреси
ва телефонлар:
700047, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43,
32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаханаси.